ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАВРИ БОШЛАНДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 139 (6000). 19 июль, 1977 йил ⊙ СЕШАНБА ⊙ Баҳоси 2 тийин.

«ҲАМИША БЎЛСИН ҚУЁШ!» ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ФЕСТИВАЛИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз навқирон дўстлар!

Жаҳоннинг барча қитъаларидаги кўпчилик мамлакатларнинг болалар ташкилотлари вакиллари бўлган сизларни чин кўнгилдан табриклайман. Сизлар ҳаммангиз ўз фестивалингизга тўпланиб, ёшлик чоғидан қандай қилиб тинчлик ва дўстликда яшаш, энг бегубор фикр-ўйлар ва муддаоларни рўёбга чиқариш учун биргаликда курашиш намунасини намойиш қилар экансиз, бунга жуда ҳурсандман.

Сизлар Совет пионерлари ҳузурида меҳмон бўлганингизда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан, бу мамлакатда ҳамма энг яхши нарсалар ёш авлодга, болаларга аталганлиги билан яқиндан таниша оласизлар, халқимизнинг бутун дунёда мустаҳкам тинчлик тарафдори эканлигини тушуниб оласизлар.

Олтмиш йил муқаддам бизнинг мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилди. Россия ишчилари билан деҳқонлари Улуғ Ленин раҳбарлигида одамларнинг олиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла-тўкис қондиришдек олий мақсадни кўзловчи янги жамият қуриш учун давлат ҳокимиятини ўз қўлларига олдилар. Бу вазифани бошқа мамлакатлар билан тинч муносабат шароитидагина бажариш мумкинлиги равшан. Шу боисдан ҳам Ленининнинг сулҳ тўғрисидаги Декрети Октябрь революциясининг дастлабки ҳужжатларидан бири бўлди. Шу боисдан ҳам халқимиз, совет коммунистлари бутун дунёда мустаҳкам ва одилона тинчлик бўлиши учун изчиллик билан муттасил курашмоқдалар ва курашаверадилар.

Фестивални муваффақиятли ўтказишингизни, ташкилотларингизнинг бирдамлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашингизни, меҳмондўст «Артек»да яхши дам олишингизни тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

Юбилей йилининг биринчи ярми тугади. Иккинчи ҳал қилувчи даври бошланди. Шунинг учун ҳам корхоналар ва қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари, колхозлар ва совхозлар коллективлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш, юбилей йили давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун мусобақа байроғини янада баланд кўтармоқдалар.

Ўтган биринчи ярим йилликда экономиканинг барча тармоқлари каби саноатимиз ҳам янада юксалди ва ривожланди. Индустриямизнинг қатор етакчи тармоқлари, чунончи қора металлургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, шунингдек ўрмон ва ёғочсозлик ҳамда енгил саноат тез суръатлар билан тараққий этди. Аксарият кўпчилик корхоналар коллективлари социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришяпти. Айниқса, Тошкент, Ангрен, Бекобод Янгийўл, Оҳангарон шаҳарлари, Тошкент, Ўрта Чирчиқ, Пискент, Қуйи Чирчиқ районлари саноатчиларининг қўлга киритаётган ютуқлари салмоқли бўлаяпти. Шу пешқадам шаҳарлар ва районлар индустрияси ҳодимлари зиммага олган мажбуриятларини ортиғи билан адо этмоқдалар.

Лекин, ҳамма жойда ҳам иш кўнгилдагидек кетаётгани йўқ. Саноатимизнинг қатор тармоқлари, айрим шаҳарлар ва районлар индустрияси давлат планлари ва йил бошида зиммаларига олинган социалистик мажбуриятларнинг бажаришнинг уддасидан чиқмаяпти. Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарлари, Калинин, Чиноз, Оҳангарон, Бекобод районлари шулар жумласидандир. Бунинг оқибатида областимиз бўйича давлат плани бажарилгани ҳолда Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олинган мажбурият бажарилмади. Ваъдадагига нисбатан 1288 минг сўмлик кам маҳсулот раелизация қилинди. Агар қолоқ шаҳарлар ва районлар социалистик мажбуриятларини бажарганларида область бўйича белгиланган марра знёдаси билан эгалланган бўларди.

Шунинг учун ҳам саноат корхоналарида социалистик мусобақани янада авж олдириш, мусобақа иштирокчилари куч ғайрати ва ижодий изланишларини индустриямиз олдида турган барча вазифаларнинг сўзсиз бажарилишига сафарбар этиш лозим. Ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида ички резервларни қидириб топиш ва ишга солиш, моддий-техника таъминотини яхши йўлга қўйиш, белгиланган ташкилий-техникавий тадбирларни тўла амалга ошириш, «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!» шиори остида бошланган ва бошқа шу каби ватанпарварлик ташаббусларининг кенг ёйилишига эришиш зарур.

Юбилей йилининг ҳал қилувчи даври бошланди. Ҳар бир саноат корхонаси коллективи, ҳар бир ишчи-инженер-техник ходим ва хизматчининг асосий вазифаси ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга ёрдам берадиган ҳамма омилларни ишга солишдан иборат.

(Бугун газетада навбатдаги «Социалистик мусобақа кундалиги» саҳифаси берилмоқда).

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИГА КЕНГ ЙЎЛ

СТАВРОПОЛЬ ЎЛКАСИ ИПАТОВО РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИГА

ИПАТОВО районида ҳосил ўрим-йиғимини ташкил этиш тажрибаси тўғрисидаги ахборот билан гоят қизиқиб танишиб чиқдим. Сизнинг район партия ташкилотингиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида деҳқонларнинг узоқ вақт фидокорлик билан қилган меҳнатини тугалловчи ана шу масъулиятли даврда бажараётган ижодий иши зўр мамнуният бахш этади.

Ишлаб чиқариш илғорлари, мутахассислар, колхоз ва совхоз активларининг иштироки билан ҳосил ўрим-йиғимига тайёргарлик ва уни ўтказиш ҳамда ғалла тайёрлаш комплекс планининг батафсил ишлаб чиқилганлиги, ўрим-йиғим ишларини ташкил этишнинг ғаллани ўриб-йиғиб олаётган ва ташийдиган транспорт отрядларини вужудга келтиришга асосланган янги прогрессив технологияси район далаларида кенг қўлланилганлиги, партия ташкилотларининг кадрлар билан пухта иш олиб борганлиги, социалистик мусобақанинг кенг авж олдирилганлиги техникадан унумли фойдаланишни, ўрим-йиғимнинг мислсиз юксак суръатлари ва ишнинг яхши сифатли бўлишини таъминлади.

Партия ташкилотларининг намунаси қишлоқ хўжалигида КПСС XXV съезди томонидан қўйилган вазифани — ўнинчи беш йилликни самарадорлик ва сифат беш йиллигига айлантириш вазифасини амалда қандай рўёбга чиқариш кераклигини кўрсатиб турибди.

Сизнинг тажрибангиз шу йилнинг ўзидаёқ кенг ёйилажагига аминман. Ҳосил ўрим-йиғимига киришаётган область, ўлка ва республикалардаги барча район партия комитетлари бу тажрибадан фойдаланадилар, деб ўйлайман. Бу эса ўрим-йиғим ишларини жадаллаштиришга, олинадиган ғалла миқдорини кўпайтиришга, дон харид қилиш давлат планларини тўла ва ошириб бажаришга ёрдам беради.

Районингиздаги колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторларнинг, барча меҳнаткашларнинг юбилей йилида катта муваффақиятларга эришувини тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ЗАРБДОР МЕҲНАТ ДАВОМ ЭТАДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахти меҳнаткашлари бутун совет халқи каби Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб нишонлаш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг май [1977 йил] Пленуми қарорлари, СССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини янада оширди. Тошкент шаҳри меҳнаткашлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари Пленум қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги докладида баён этилган қоидалар ва хулосаларни тўла қўллаб-қувватлаб, КПСС XXV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш ва олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун мусобақа байроғини янада баланд кўтармоқдалар.

ШУ кунларда пойтахтимиздаги қайси бир корхонада бўлманг, давлат планлари ва юбилей йилида зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун кураш қизғин давом этаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Йил бошидан меҳнат жабҳасида жавлон ураётган шаҳримиз меҳнаткашлари юбилей йилининг биринчи ярмини яхши кўрсаткичлар билан яқунладилар. Ана шу даврдаги иш натижалари зиммага олинган социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилаётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Биринчи ярим йилликда маҳсулот реализация қилиш давлат плани муддатидан илгари 24 июнда бажарилди. Пландагидан ташқари 42 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,5 процент ошди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўсишининг 87,1 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди.

Шаҳримиздаги биргина экскаватор заводидан ташқари барча саноат корхоналари коллективлари маҳсулот реализация қилиш ярим йиллик планини муваффақиятли бажардилар. Партия комитетлари, совет органлари, ҳўжалик раҳбарлари ижодий ва ташаббускорлик билан ишлаётган, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий усул ва услубларидан оқилона фойдаланилаётган жойларда коллективларнинг меҳнат натижалари янада салмоқли бўлмоқда. Бу соҳада Киров, Ленин, Октябрь, Ҳамза ва Чилонзор районлари партия ташкилотларининг ишлари намуналидир. Шу туфайли ҳам бу районлардаги деярли барча корхоналар план топшириқлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни ой сайин тўла ва знёдаси билан бажаришга эришмоқдалар.

Агрегатлар, машиналар, механизмлар ва барча асбоб-ускуналар қувватидан тўла фойдаланиш, технология жараёнларини тинмай такомиллаштириш, иш вақтининг ҳар бир соати, ҳар бир дақиқасини тежаш, тайёрланаётган маҳсулотнинг юксак сифатли бўлиши учун курашиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш шаҳримиз меҳнат коллективларининг бугунги иш мазмунини ташкил этмоқда.

Чкалов номли самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент кабель, «Миконд», «Таштекстильмаш» заводлари, «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Шарқ» мебель бирлашмаси, 4-нон маҳсулотлари комбинати ва бошқа илғор корхоналар коллективларининг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қаерда социалистик мусобақани ташкил этишга катта эътибор берилаётган, илғорлар ва ишлаб чиқариш новаторлари тажрибаси кенг оммалаштирилаётган бўлса, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари шунча юксак бўлмоқда. Бу корхоналарда план ва топшириқларгина эмас, айни вақтда муқобил планлар, оширилган социалистик мажбуриятлар ҳам муваффақиятли бажарилаяпти.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан республикамиз 14 ишлаб чиқариш илғори бошлаган ташаббусга қўшилганлардан Тошкент трактор заводи ишчиси М. Туробов, электрон-техника заводидан В. Кувшинников, бош кийимлар фабрикасидан Я. Раҳимова, «Малика» трикотаж бирлашмасидан А. Гладкова ва бошқа ўнлаб, юзлаб ишчилар унумли меҳнат қилиш намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар ҳозирги вақтдаёқ ўнинчи беш йилликнинг учинчи ва тўртинчи йили ҳисобига маҳсулот беришяпти.

Барча қимматли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, ҳар бир меҳнаткаш ўзининг ижодий қобилиятларини тўла намойиш қилиши учун зарур ёрдамни кўрсатиш, илғор коллективлар тажрибасини кенг оммалаштириш, ишчи-хизматчилар сафида қолоқлар бўлмаслиги учун барча тадбирларни кўриш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу соҳада Тошкент кабель заводи партия ташкилоти олиб бораётган иш диққатга сазовордир. Корхона коллективи «Қолоқларсиз, самарали, юксак сифатли ишлаш учун» шиори остида меҳнат қилмоқда. Барча цехлар, участкалар ва бригадалар коллективлари «социалистик мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Кабель буюмларининг 42 процента сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Ишлаб чиқариш илғорларидан 900 га яқин киши беш йилликни муддатидан илгари бажариш учун курашмоқда.

Шаҳар партия комитети, район партия комитетлари ҳар бир корхона, район ва умуман шаҳар бўйича ишлаб чиқилган иқтисодий ва социал ривожланиш истиқбол планлари асосида техника тараққиётини жадаллаштириш бўйича чораларнинг амалга оширилиши устидан назоратни анча кучайтирмоқдалар.

Социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши ҳар ўн кунликда ва ҳар ойда муттасил ҳисобга олиб борилади. Шаҳар районлари ўртасидаги социалистик мусобақа натижалари ҳар кварталда якунланади. Шаҳар партия комитетида ҳар бир ойнинг дастлабки кунларида олдинги ойда планлар ва мажбуриятларнинг районлар ҳамда айрим корхоналар бўйича қандай бажарилганлиги чуқур таҳлил қилинади. Бу мажлисда район партия комитетларининг биринчи секретарлари ҳам иштирок этадилар. Ана шундан сўнг қолок участкаларни илғорлар сафига етказиб олиш учун аниқ чоралар ишлаб чиқилади.

Биз мусобақалашаётганларнинг диққат марказида ишлаб чиқаришнинг муҳим масалалари бўлишига эришишга ҳаракат қиляпмиз. Ўтган йили шаҳар партия комитети бюроси Куйбишев район партия комитетининг янгийўлликларнинг «қолоқларсиз ишлайлик» шиори остида бошлаган ташаббусларини оммалаштириш бўйича ташкилоточилик иши ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Бу нарса район саноат корхоналари ишида мазкур ташаббуснинг кенг ёйилишига ижобий таъсир кўрсатди. 1976 йилнинг бошларида райондаги тўрт корхона маҳсулот реализация қилиш бўйича давлат планининг бажарилишини таъминламаган бўлса, йил охирига келиб барча корхоналар йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этдилар.

[Давоми иккинчи бетда]

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети «1977 йилги ҳосилни йиғиштириб олишда Ставрополь ўлкаси Ипатово район партия ташкилотининг иш тажрибаси тўғрисида» КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарорни муҳокама этди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қабул қилган қарорда КПСС Марказий Комитети маъқулланган ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг юксак баҳосига сазовор бўлган Ипатово район партия ташкилотининг тажрибаси Ўзбекистон шароити учун ҳам айниқса пахта, маккажўхори, шоли ва озуқабоп экинлар ҳосилини йиғиштириб олишда катта аҳамиятга эга деб ҳисобланади. Уриб-йиғиб оладиган ва ташийдиган транспорт отрядларини тузишга асосланган ўрим-йиғим ишларини ташкил этишнинг қўлланилиши техникадан самарали фойдаланишни, ўрим-йиғимнинг юксак суръатини ҳамда ишнинг сифати яхши бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг «1977 йилги ҳосилни йиғиштириб олишда Ставрополь ўлкаси Ипатово район партия ташкилотининг иш тажрибаси тўғрисида»ги қарорини амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилди.

Область ва район партия комитетларига КПСС Марказий Комитетининг қарорини барча колхоз ва совхозларда, бригадаларда, қишлоқ хўжалик ва таъминот ташкилотларида кенг муҳокама қилишни ташкил этиш топширилди. Маҳаллий шароитларни ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Республика ҳукуматининг шу масала юзасидан қабул қилган қарорларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш илғорлари, колхоз ва совхозларнинг мутахассислари ҳамда активларини иштирокида пахта, маккажўхори, шоли, сабзавот-мева ва озуқабоп экинларни йиғиб-териб олиш ва тайёрлаш ишларига ҳозирлик кўриш ҳамда уни ўтказишнинг комплекс планлари муфассал ишлаб чиқилсин. Планларда Ипатово районининг тажрибасидан кенг фойдаланиш, ишларни ташкил этишнинг илғор усулларини қўлланиш, уриб-йиғиб оладиган ва ташийдиган комплекс отрядларини тузиш кўзда тутилсин. Бунда республика колхоз ва совхозларида техникадан фойдаланиш ҳамда маҳсулотни йиғиштириб олиш ва тайёрлашни поток усулда ташкил этиш соҳасида тўпланган илғор тажриба назарда тутилсин.

Комплекс планларда пахта терадиган, маккажўхори йиғиштирадиган ва шоли ўрадиган ҳамма машина-механизмлар, тозалаш машиналари ҳамда транспорт воситаларни ремонтини тезлик билан тугаллаш кўзда тутилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, «Главсредазирсовхозстройга, «Узсельхозтехника» ва «Узплодоовощвинпром» бирлашмаларига ҳамда уларнинг жойлардаги органларига маҳсулотни йиғиштириб олиш ва тайёрлашнинг комплекс планларини тузиб чиқишда, йиғим-теримга мавжуд ҳар бир пахта териш машинасидан, ҳар бир комбайндан, барча тозалаш ва транспорт техникасидан фойдаланишни назарда тутган ҳолда машина-механизмларни тайёрлаш ва ремонт қилишни ташкил этишда районларга, колхоз ва совхозларга максимал ёрдам бериш топширилди. Кадрларни тайёрлашга, уриб-йиғиб оладиган ва ташийдиган агрегатларни икки сменада ишлаш учун механизаторлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилсин.

Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги маккажўхори дони ва шолини қабул қилиб олиш учун моддий-техника базасини тайёрлаш борасида қўшимча тадбирлар кўрсин, зарур бўлган ҳолларда эса қўшимча қабул пунктлари вужудга келтирилсин ва ҳамма ғалла тозалаш техникасини тўла шай ҳолга келтириб қўйсин. Ғалла қабул қиладиган корхоналарнинг дони тўғри қабул қилиши ва унинг сифатини тўғри аниқлаши устидан қаттиқ контроллик таъминлансин.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари йиғим-терим ишларида социалистик мусобақани ташкил этиш ишларини кучайтирсинлар. Оммавий ишлар дала шийпонларида ўтказилсин, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, сиёсий докладчиларнинг фаоллиги активлаштирилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳар гектар ердан энг мўл маккажўхори дони олиш учун маккажўхорикорларнинг Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва қишлоқ хўжалиги ҳамда тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзи республика комитети ишлаб чиққан социалистик мусобақаси шартларини маъқуллади.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетига ҳосил йиғиштириб олиш ва маҳсулот тайёрлашнинг боришини, область, район партия ва совет ташкилотларининг 1977 йилги ҳосилни йиғиштириб олиш ва Ипатово район партия ташкилотининг тажрибасини оммалаштириш ва қўлланиш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасидаги иш практикасини кенг кўламда ёритиб бориш топширилди.





ҚУЙИ ЧИРЧИҚ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози пахтакорлари етиштирилган ҳосилни ёрдамчиларсиз, ўзлари йиғиб-териб олишга тайёрланмоқдалар. Суратларда: [чапдан ўнгга] М. Катамашин ва А. Минченколар ремонтдан чиққан теримга машиналарни сифатини кўздан кечирмоқдалар; механизатор Қосимжон Ғозибеков ўз агрегатини мавсумга барвақт тайёрлаб қўйганлардан бири.

М. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 18 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан буён.

Калинин	0,4	84,6
Пискент	1,3	83,6
Бўка	2,1	81,9
Бекобод	1,1	80,1
Қуйи Чирчиқ	0,6	79,9
Тошкент	0,1	79,4
Оққўрғон	0,1	78,8
Ўрта Чирчиқ	0,1	78,4
Оҳангарон	0,7	77,1
Оржоникидзе	0,1	75,6
Чиноз	0,2	73,6
Юқори Чирчиқ	0,4	70,8
Янгийўл	0,4	66,9
Бўстонлиқ	0,7	63,9
Область бўйича:	0,7	78,2

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети атоқли совет ёзувчиси ва жамоат арбоби, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Константин Александрович Федин узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1977 йил 15 июль куни 86 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар.

Социалистик мусобақа саҳифаси

ЗАРБДОР МЕҲНАТ ДАВОМ ЭТАДИ

[Бошн 1-бетда]

Қолоқларсиз ишлаш юзасидан бошланган ҳаракатнинг ривожланиши шаҳримиз учун катта аҳамиятга эгадир. Лекин шу йилнинг биринчи ярми якунларини таҳлил қилиш иш ҳамма жойда ҳам бир меъёрда олиб борилмаётганлигини, ҳали барча корхоналар ҳам планлар ва мажбуриятларнинг қатъий бажарилишини таъминламаётганлигини кўрсатди. Масалан, айрим корхоналарда белгиланган номенклатурада маҳсулот ишлаб чиқариш плани бажарилмай қолаяпти. Бу, корхонада қолоқ участкалар ҳамон борлиги натижасида содир бўлмоқда. Вақоланки, бу бошқа корхоналарни ҳам оғир аҳволга солиб қўяди, чунки улар ўз мажбуриятларини бажаролмай қолишлари мумкин. Ачинарлиси шундаки, «Сигнал» ишлаб чиқариш техникаси бирлашмаси, айрим машинасозлик, вентиляция буюмлари заводлари, Сергели асфальт-бетон заводи ва бошқа корхоналар шу йилнинг январ-июнь ойларида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатини анча пасайтириб юбордилар. 28 корхона меҳнат унумдорлигининг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан пасайиб кетишига йўл қўйди.

Шаҳардаги барча партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари саноатчиларимизнинг биринчи ярим йилликдаги фаолиятида содир бўлган ана шундай нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш учун барча чораларни кўришлари талаб қилинади. Чунки иккинчи ярим йилликдаги вазифа янада мураккаб ва масъулиятлидир. Асбобсозлик, экскаватор, тепловоз-вагон ремонти, темир-бетон конструкциялари, «Ташэлектромаш» заводлари, «Сигнал» ишлаб чиқариш техника бирлашмаси ва бошқа корхоналарда реализация ҳажми ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш биринчи ярим йилликдагига нисбатан анча кўпаяди. Бу корхоналарнинг партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари мавжуд қолоқликни бартараф этиш учун ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришлари, кадрларнинг ўз вазифасига нисбатан масъулият ҳиссини янада оширишлари лозим.

Партия, совет ва хўжалик органлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш вазифаларини ҳал қилиш давомида меҳнат унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор беришлари керак. Ҳаммага маълумки, ўнинчи беш йилликда шаҳар саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайишининг ўндан тўққиз қисмига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришиш керак. «Таштекстильмаш» заводида коллектив сони бир хил бўлгани ҳолда биринчи ярим йилликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12,6 процент, химия-фармацевтика заводида 13,4, «Средазэнергоцветмет» бирлашмасида 12,5, 4-нон маҳсулотлари комбинатида 14,4 процент ошди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Улар бундай ютуқларга шунисда маҳсулот миқдори ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми Ленин районн корхоналарида 18,1 процент, Куйбишев районн корхоналарида 21,5, Киров районн корхоналарида 11,5 процентга етди.

Лекин бу соҳада ҳали кўпгина камчиликлар ҳам бор. «Учқун» тўқимачилик галантерея фирмаси, Ўзбекистон кон бирлашмаси, Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси ва бошқа қатор корхоналар, юксак сифат категориясидаги маҳсулотларни белгиланганича ишлаб чиқаришмаяпти. Резина техника буюмлари заводи, мебель комбинати, 2-ёғочсозлик заводи, «Энергостройиндустрия» бирлашмаси ва бошқа корхоналар шу йилнинг беш ойида мўлжалланган бирорта ҳам маҳсулотни Сифат белгиси аттестациясидан ўтказишнинг уддасидан чиқмадилар. Айрим енгил, маҳаллий ва ёғочсозлик саноати буюмларига норозилик хатлари ҳамон тушиб турибди. Шунинг учун ҳам барча корхоналарда маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини жорий қилишни жадаллаштириш керак.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик шонли юбилейи яқинлашган сари меҳнат коллективларида беш йилликнинг иккинчи йили планларини муддатидан илгари бажариш, ишлаб чиқаришнинг кўшимча резервларини қидириб топиш ва ишга солиш учун кураш қизиб бормоқда. Шаҳардаги илғор корхоналар — «Ўзбектекстильмаш» бирлашмаси, Тошкент кабель ва В. И. Ленин номли электротехника заводлари коллективлари шундай ташаббус билан чиқдилар. Бу ташаббус шаҳар партия комитети томонидан маъқулланди ва республикамиз пойтахтидаги бошқа корхоналарда кенг ёйишга тавсия этилди.

Шаҳримиз меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига шаҳдам қадамлар билан бормоқда. Улар бундан буён ҳам бутун куч, маҳоратларини сарфлаб ишлайдилар, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун, юбилей йилида зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун барча имкониятлардан фойдаланадилар.

Б. Ғ. ХАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари.

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРАЙЛИК, САМАРАДОРЛИК УЧУН КУРАШАЙЛИК

⊙ РЕСПУБЛИКА ПОЙТАХТИ САНОАТЧИЛАРИНИНГ ЗАРБДОР ОДИМИ

⊙ РЕЗЕРВЛАР ҲИСОБИГА

⊙ МЕҲНАТ КИШИНИ УЛУҒЛАЙДИ

⊙ САФИМИЗДА ҚОЛОҚЛАР БЎЛМАСИН

⊙ ОКТЯБРЬ 60 ЙИЛЛИГИ МУНОСИБ НИШОНЛАНАДИ

МУКОФОТГА „ЖИГУЛИ“

Бўстонлиқ районидаги колхозлараро қурилиш бошқармасининг ғишт терувчиси Маҳкам Исроилов ҳам фидокорона меҳнати билан бошқаларга намуна бўлаётганлардан.

Моҳир ишчи Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига зиммасига олган шахсий мажбуриятини тўла-тенис бажармоқда. Ўнинчи беш йилликни уч йилда бажариш иштиёқи билан меҳнат қилаётган донгдор бинокорнинг ҳар сменадаги ўртача иш кўрсаткичи 180—200 процентни ташкил этяпти.

М. Исроиловнинг фидокорлиги муносиб тақдирланди. Унга социалистик мусобақада доим ғолиб келаётганлиги учун «Жигули» енгил автомашинаси мукофотга берилди.

А. ИБРОҲИМОВ.

Пойтахтдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея бирлашмасида 200 дан ортиқ турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Суратда: бирлашманинг илғор тўқувчиси Людмила Шокаримова иш устида. У шахсий беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариш мажбуриятини олиб меҳнат қиляпти.



ҚЎШИМЧА ИККИ МИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

Корхонамиз коллективи СССР янги Конституцияси лойиҳасидан илҳомланиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ ҳаракатида фаол қатнашмоқда. Биз шу тарихий санани фаолнятимизнинг барча кўрсаткичлари бўйича яхши натижаларга эришиш билан кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Социалистик мусобақа кун сайин авж олмоқда. Уни пухта ташкил этиш, оммавийлиги ва ошкорлигини таъминлаш, ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг турли-туман усулларидан фойдаланиш ютуқлар гарови бўлмоқда.

Ишчи-хизматчиларимизнинг ўтган биринчи ярим йилликдаги меҳнатлари жуда баракали бўлди. Биз областимиз бўйича энг яхши кўрсаткичларга эришган корхоналарнинг бири бўлганлигимиз билан чексиз фахрланамиз ва ғурурланамиз. Ўтган олти ойда 3892 тонна жунни қайта ишладик ёки Иттифоқимизнинг тўқимачилик корхоналарига қўшимча 1945 минг сўмлик маҳсулот юбордик. Бу пландагидан сал кам 400 тонна кўпдир. Коллективимизнинг бундай муваффақиятларига барча цехлар ва сменалар ишчи-хизматчилари самарали ҳисса қўшмоқдалар.

Х. ХОЛДОРОВ,
Келесдаги жунни қайта ишлаш фабрикаси ишчиси.

ҚОЛОҚЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Самарадорлик ва сифат беш йиллигининг иккинчи йили зарбдор одимлар билан олға боряпти. Бу йилнинг биринчи ярмига якун ясалди. Пойтахт областимиздаги кўплаб саноат корхоналари, давлат планлари ҳамда социалистик мажбуриятларни шараф билан адо этдилар.

Бироқ, умуман область саноати бўйича социалистик мажбурият бажарилмай қолди. Область бўйича қатор корхоналар ҳатто давлат планларини бажармади. Мана шу қолоқлар ҳисобига умумий кўрсаткич ҳам оқсади. Бу корхоналарнинг 4 таси Олмалиқ шаҳридадир. Биринчи ярим йилликда олмалиқликлар бу борада «рекорд» кўрсаткичга эришдилар. Шаҳардаги 6-ғишт заводлари бошқармаси қолоқ корхоналар ўртасида «олдинги сафда» боряпти. Бу коллектив биринчи ярим йилликда 371 минг сўмлик маҳсулот етказиб беролмади. Шунингдек, қолоқликни одат қилиб олган рўзғор химияси заводи коллективи давлатдан 175 минг сўмлик маҳсулот қарз бўлиб қолди. Шаҳар бўйича жами пландагидан 624 минг сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Мухбиримиз **Х. Олимжонов** қолоқ корхоналарнинг раҳбарлари билан суҳбатда бўлди. 6-ғишт заводлари бошқармасининг бош инженери **Ж. Турдиқулов** шундай дейди:

— Заводимиз шаҳардаги энг кекса корхоналардан бири. У 1952 йилда фойдаланишга топширилган. 1971 йилда реконструкция қилинди. Бироқ мана шу реконструкция туб маънодаги реконструкция бўлмади. Машина ва механизмларни янгилаш ўрнига, уларнинг кўпларини ремонт қилиш ёки қўшимчалар киритиш билан чекланилди. Бундан ташқари, «Симферополь» номли автомат ғишт тахлагич яхши чиқмади. Ҳозирги кунларда буларнинг ўрнига «БКЗ» автомат ғишт тахлагичларни ўрнатаяпмиз. Улар Қурилиш материаллари саноати Министрлигига карашли тажриба-механика заводида ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозир бундай автоматлардан иккитаси ишга туширилди. Энди сўнгги учинчисини ўрнатишга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Ғишт заводлари бошқармаси бўйича биринчи ярим йилликда 4678 минг дона пишган ғишт, 4328 минг силлиқ ғишт, 862 минг дона блок, 8041 куб-метр аглопорит кам ишлаб чиқарилди. Пишиқ ғишт ишлаб чиқариш бўйича планнинг бажарилмаганлигига асосий сабаб 1-ғишт заводида технология ускуналарининг бекор туриб қолганлигидир. Бунга истаганча баҳонайи рўкач қилиб кўрсатиш мумкин. Жумладан, корхона раҳбарлари ускуналарнинг бекор туриб қолиши автомат ғишт тахлагичларнинг алмаштирилиши даврида рўй берди, дейишмоқда. Бироқ, ускуналар шунчалик узоқ муддат бекор туришига йўл қўймаслик учун албатта ишни бундан кўра яхшироқ ташкил этиш мумкин эди. Корхонада қатор хизмат тармоқлари бўйича носозликлар мавжуд. Жумладан, механика хизмати бўйича технология ускуналарининг носозлиги сабабли биринчи ярим йилликда 567 соат, электр хизмати бўйича 185 соат, карьер ускунаси носозлиги туфайли 25 соат иш вақти йўқотилган. Шунингдек, 80-автобаза машина етказиб бермагани учун хом ашё вақтида олиб келинмаган ва бунинг натижасида ускуналар 130 соат бекор турган. Қишда газ ёқилғиси етарли бўлмагани учун 510 соат иш вақти бекор кетган.

Кўриниб турибдики, корхонада аҳвол ниҳоятда оғир ва мураккаб.

— Бу йил бу «жарликдан» чиқолмасак керак, — дейди бош инженер Ж. Турдиқулов. — Тўғри, янги автомат ғишт тахлагичлар ишимизни анча осонлаштиради. Бироқ умумий қолоқликдан чиқиб кетиш учун бунинг ўзи кифоя қилмайди.

Корхонада бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ҳам оқсалмоқда. Жумладан, қурилишда муҳим ҳисобланган маҳсулот — аглопорит тайёрлаш ёмон аҳволда. Чунки, 2-агломерация машинасини қайта қуриш бошланган. Бироқ бу иш бошланди-ю ташланди. Монтаж ишларини қурилиш материаллари саноати Министрлигига карашли «Цемтеплострой» қурилиш бошқармаси зиммасига олган. Унинг вакиллари кейинги икки ой ичида «йўқолиб қолишди». Натижада 2-агломашина на ремонт қилиняпти, на маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Бу ишга план бўйича 356 минг сўм капитал маблағ ажратилган ва машинани апрель ойида фойдаланишга топшириш мўлжалланган эди. Ҳозиргача эса ишга тушириш уёқда турсин, атиги 80 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди холос. Шунингдек, 3-автомат ғишт тахлагич монтажига 23 минг сўм маблағ ажратилган. У ноябрда ишга тушиши керак. Бироқ ҳозиргача бу ишга киришилганича йўқ.

Бундан ташқари, ўтган йили корхонада пардоз ғиштларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилиши керак эди. Ускуналарни реконструкция қилиш ва технология жараёнлари лойиҳасининг ишлаб чиқариш қувватларини барвақт ўзлаштириш, мавжуд асбоб-ўскуналар паркидан унумли фойдаланиш, уларнинг қаровини яхши йўлга қўйиш ютуқларимиз салмоғининг ортишига ёрдам бераяпти. Айни вақтда маҳсулот сифати ҳам тобора яхшиланиб бормоқда.

Шунинг учун ҳам Ангрен кенжа ҳисобланган корхонамиз маҳсулоти шуҳрати ортяпти. Қўлимиздан чиқаётган турли хил резина-техника буюмларини харид қилувчилар кўпаймоқда. Маҳсулотимизнинг анчагина қисми ўнинчи беш йилликнинг сўнгги ва зарбдор қурилишларида бинокорларга жуда қўл келаяпти.

Комбинатимиз шаҳримиздаги корхоналар ўртасидаги ўзаро мусобақада ғолиблар сафида бораётганлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ёш, аммо аҳил ва иноқ коллективимиз давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни ой сайин ортиғи билан адо этиб келяпти. Шу йилнинг ўтган ярим йилидаги ишимиз кўрсаткичлари кўнгилдагидек бўлди дейиш мумкин. Маҳсулот реализация қилиш олти ойлик плани 108,9 процент қилиб адо этилди, ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 36 процентдан зиёдроқ кўпайди. Қўшимча салкам 500 минг сўмлик турли-туман резина-техника буюмлари тайёрланди. Меҳнат унумдорлиги беш процентдан зиёд ошди.

Ютуқларимиз ҳақида гап борганда, ишлаб чиқариш илғорлари номини зўр ҳурмат ва ифтихор билан тилга олгинг келади. Ўз касбига меҳр қўйган, унинг шуҳратини ошираётган қалби оташ ишчилар эса бизда жуда кўп. Уларни ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида учратиш мумкин. Бу илғорлар ҳақли равишда коллективимиз байроқдорлари ҳисобланишади. Ўзларининг унумли ва сифатли ишлари билан коллектив муваффақиятларининг кўпайишига ёрдам бераётган ҳам ўз орқаларидан эргаштириб бормоқдалар, меҳр қўйган касбларини сафимизга қўшилган ёш ишчиларга қунт билан ўргатмоқдалар.

Аппаратчилардан А. Шибиркин, елимловчилардан Р. Аҳмедшина, Р. Шайдулина, Н. Новикова, машинистлардан В. Корниенко, А. Сеймонов ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг меҳнат календарида йилнинг сўнгги ойлари бошланди. Мен ўзим ҳам ҳар сменада жарди. Иккинчи квартал планн 114,8 процент, июнь ойи плани эса 169,4 процент бажарилди. Демак, ярим йилликдаги қолоқлик биринчи кварталдаги оқсаш ҳисобига рўй берди. Ярим йилда 1534 тонна ўрнига 1313 тонна тозалаш воситалари ишлаб чиқарилди. Сабаб — хомашё йўқ. Тауз шаҳридаги саноат комбинати пемза, Челябинск областидаги Кичигин конн бойитиш комбинати кукунланган кварц, калий триполифосфати етказиб бермаяпти.

Пардоз-силлиқлаш воситалари ишлаб чиқариш плани 41,3 процент бажарилди. Сабаб — хомашё йўқ. «Узглавнефтеснабсбит» вазелин мойи ва веретен мойини етказиб бермаётир. Натижада январь, февраль март ойлари мутлақо бундай маҳсулот тайёрланмади, апрель ва май ойи планлари бажарилмади.

Шунингдек, қурт-қумурсқаларга қарши воситалар ишлаб чиқариш плани 87,4 процентда қолиб кетди. Чунки, йиллик план 400 тонна бўлган тақдирда нафталинга 250 тонна фонд ажратилди. Бундан ташқари, 17 апрелда Лесогорск сунъий плёнка заводида ортилган контейнер темирйўлда йўқолган. Оқибатда нафталин ўрашга иднш йўқ...

Яна қатор маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ҳам ускуналар носозлиги, эҳтиёт қисмларнинг йўқлиги сабабли давлат планлари бажарилмади.

Корхона ишлаб чиқариш планларининг бажарилмаслигида темирйўлнинг катта ҳиссаси бор. Жумладан, 16 январда Пермь шаҳридан йўлга чиққан хомашё заводга 12 мартда етиб келди. 10 мартда жўнатилган вагон 11 майда олинди. 15 апрелда жўнатилган вагон эса ҳозиргача Олмалиққа етиб келгани йўқ. Ҳолбуки, бу маршрут бўйича нормал қатнов муддати 8-10 кун... Оқибатда аэрозоль воситалари ишлаб чиқариш тўхтаб турибди. Муттасадди ташкилотлар мана шу хўжасизликнинг сабабларини аниқлаб чек қўйишлари зарур.

Бу тўғрида завод маъмурияти ҳам бош қотириши даркор. Завод директори ўртоқ Литвинцов эса ана шу кечиккан вагонларнинг қайси темирйўл орқали келиши ва қаерда тўхтаб турганлигини билмайди!

ОЛМАЛИКДАГИ 6-ҒИШТ ЗАВОДЛАРИ БОШҚАРМАСИ ВА РЎЗҒОР ХИМИЯСИ ЗАВОДИДА





Ўзбекистон энергетика ва автоматика илмий тадқиқот институтининг кўплаб лабораторияларида олимлар ва илмий ходимлар турли мавзулар бўйича изланишлар олиб боришяпти. Уларнинг қатор илмий-тадқиқотларининг натижалари халқ хўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Суратларда: юқори кучланишли техника лабораториясининг мастери Анвар Собиржонов 1 миллион вольтли каскадни тайёрлашда иштирок этяпти. Бу каскад билан илмий-тадқиқот ишлари ўтказилди. Автоматлашган электр узатгич лабораториясининг илмий ходимлари — техника фанлари кандидатлари Илҳом Аҳмедов ва Тўлаган Камолов сув чиқарадиган насос агрегатининг мосламасини созлашяпти.

И. Глауберзон ва **В. Сироткин** фотолари.

МАРКАМИЗ ШУҲРАТИНИ ОШИРАМИЗ

ЎНИНЧИ беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш юзасидан бошланган умумхалқ ҳаракатида бизнинг коллектив ҳам фаол қатнашмоқда. Корхонамизнинг барча цехлари, участкалари, сменалар ва бригадаларида бу йил юксак меҳнат зафарларини қучиш учун бошланган социалистик мусобақа тобора авж олаяпти.

КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорлари, СССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши ишчи-хизматчиларимиз қучига-куч, ғайратга-ғайрат қўшди. Қатор цех ва участкалар коллективлари ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар. Коллективимиз эса Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўйигача икки йиллик ишлаб чиқариш планини бажариш ва топшириқдагига қўшимча камида 800 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Шу йилнинг ўтган биринчи ярми якунлари бу мажбурият шараф билан бажарилаётганлигидан далолат бермоқда.

Коллективимиз эришаётган ютуқларнинг асосий омили социалистик мусобақанинг ҳар томонлама пухта ташкил этилаётганлиги бўлмоқда. Бизда бу ватанпарварлик ҳаракатининг жуда кўп формаларидан фойдаланилаяпти ва у доим такомиллаштирилмоқда. Цехлар, участкалар, сменалар, бригадалар ўртасида ўзаро беллашув яхши йўлга қўйилган. Ишлаб чиқариш илғорлари шахсий мажбуриятлар олиб ишлашяпти. Уларнинг кўпчилиги касбдошлар билан шартномалар тузиб ишламоқда.

Мусобақа натижаларини якунлашда ҳар бир коллектив, ҳар бир ишчи-хизматчи меҳнат фаолиятининг жуда кўп қирралари ҳисобига олиняпти. Айниқса, маҳсулот сифати, хом ашё ва материалларни тежаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя, технологик режимига амал қилинишига алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз бўлган корхонамизда ҳар бир технологик режага қатъий амал қилиш талаб этилади. Маҳсулот тайёрланаётган вақтда у ёки бу операция кўнгилдагидек бажарилмаса, бунинг оқибати бутун ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Мусобақа давомида илғор тажрибаларни, иш усулларини оммалаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунинг учун ҳам корхонамизда бир беш йилликда икки беш йилликни бажариш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини уч ярим-тўрт йиллик нормани адо этиш билан нишонлаш юзасидан бошланган ватанпарварлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Бу ташаббус издошлари сафига янги-янги ишчилар келиб қўшиляпти. Ҳозир уларнинг қаторида ўнлаб резиначилар бор.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда юксак суръатларга эришяпмиз. Янги-янги ишлаб чиқариш қувватларини барвақт ўзлаштириш, мавжуд асбоб-ўскуналар паркидан унумли фойдаланиш, уларнинг қаровини яхши йўлга қўйиш ютуқларимиз салмоғининг ортишига ёрдам бераяпти. Айни вақтда маҳсулот сифати ҳам тобора яхшиланиб бормоқда.

Шунинг учун ҳам Ангрен кенжа ҳисобланган корхонамиз маҳсулоти шуҳрати ортяпти. Қўлимиздан чиқаётган турли хил резина-техника буюмларини харид қилувчилар кўпаймоқда. Маҳсулотимизнинг анчагина қисми ўнинчи беш йилликнинг сўнгги ва зарбдор қурилишларида бинокорларга жуда қўл келаяпти.

Комбинатимиз шаҳримиздаги корхоналар ўртасидаги ўзаро мусобақада ғолиблар сафида бораётганлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ёш, аммо аҳил ва иноқ коллективимиз давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни ой сайин ортиғи билан адо этиб келяпти. Шу йилнинг ўтган ярим йилидаги ишимиз кўрсаткичлари кўнгилдагидек бўлди дейиш мумкин. Маҳсулот реализация қилиш олти ойлик плани 108,9 процент қилиб адо этилди, ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 36 процентдан зиёдроқ кўпайди. Қўшимча салкам 500 минг сўмлик турли-туман резина-техника буюмлари тайёрланди. Меҳнат унумдорлиги беш процентдан зиёд ошди.

Ютуқларимиз ҳақида гап борганда, ишлаб чиқариш илғорлари номини зўр ҳурмат ва ифтихор билан тилга олгинг келади. Ўз касбига меҳр қўйган, унинг шуҳратини ошираётган қалби оташ ишчилар эса бизда жуда кўп. Уларни ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида учратиш мумкин. Бу илғорлар ҳақли равишда коллективимиз байроқдорлари ҳисобланишади. Ўзларининг унумли ва сифатли ишлари билан коллектив муваффақиятларининг кўпайишига ёрдам бераётган ҳам ўз орқаларидан эргаштириб бормоқдалар, меҳр қўйган касбларини сафимизга қўшилган ёш ишчиларга қунт билан ўргатмоқдалар.

Аппаратчилардан А. Шибиркин, елимловчилардан Р. Аҳмедшина, Р. Шайдулина, Н. Новикова, машинистлардан В. Корниенко, А. Сеймонов ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг меҳнат календарида йилнинг сўнгги ойлари бошланди. Мен ўзим ҳам ҳар сменада нормани бир ярим баравар атрофида бажаришга эришяпман. Лекин, бу чегара бўлолмайди. Бундан ҳам юқорироқ кўрсаткичларга эришиш мумкин. Шунинг учун биз бундан буён ҳам доим изланишда бўламиз. Янгиянги резервларни қидириб топиб ишга солишга ҳаракат қиламиз.

Корхонамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари хўжалик йилини яхши кўрсаткичлар билан якунлаш, социалистик мусобақа илғорлари сафида бориш учун янада самаралироқ, янада сифатлироқ ишлашлари лозимлигини яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам улар янада тез ва соз ишлаш учун барча имкониятлардан фойдаланишга эришиш, меҳнатда янги-янги зафарлар қучиш учун қурашни бир зум ҳам тўхтатмайдилар.

В. КАРЕЛИН,
резина комбинати аппаратчиси.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

БИЗ ШУНДАЙ ЯШАЯПМИЗ

КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН

ДАВР олға босган сари ҳаётимиз гўзал, турмушимиз фаровон бўлиб бораётир. Зотан, социалистик жамиятимизнинг туб моҳияти ҳам шундадир. Бу СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасида ҳам ўз ифодасини топган. Шу туфайли барча совет кишилари қатори колхозимиз меҳнаткашлари ҳам янги бахт Қомусини катта қизиқиш билан муҳокама этиб, уни тўла қўллаб-қувватламоқдалар.

«Колхозлар ва бошқа кооператив ташкилотларнинг, уларнинг бирлашмаларининг ишлаб чиқариш воситалари ҳамда уларнинг Уставда кўрсатилган вазифаларини бажаришга хизмат қилаётган бошқа мол-мулклари уларнинг ўз мулкидир» дейилади Конституциянинг янги лойиҳасида. Ҳақиқатан ҳам шундай. Колхозчиларимиз хўжалигининг мулкига айланиб бораётган катта-кичик бойликларнинг ҳаммасини ўз мулклари деб билиб, уни кўз қорачиғидек асраётирлар, шу билан бирга бу бойликка йил сайин бойлик қўшиб бориш учун астойдил курашмоқдалар.

Менинг хўжаликка раҳбарлик қила бошлаганимга саккиз йил бўлди, холос. Бироқ, шу ўтган қисқа давр ичида колхозимиз қишлоқларида шундай катта ўзгаришлар рўй бердики, бундан ҳатто 20—30 йил илгари ҳам бундай суръатни тасаввур қилиш қийин эди. Сўнгги йиллар ичида колхозчилар учун 70 дан ортиқ замонавий шинам уй-жойлар қуриб берилди. Бу йил эса турар-жойлар қурилишини янада жадаллаштирмоқдамиз. Колхоздаги мавжуд 4 та участкада истиқомат қилаётган аҳоли ёппасига водопровод сувлари билан таъминланган. Мақсус ажратиб қўйилган иккита юк машинаси хонадонларимизни мунтазам газ билан таъминламоқда.

Ҳар бир участкада аҳоли дидига мос қилиб қурилган клублар намунали ишлаб турибди. Участкалардаги болалар боғчалари бу йил янада кенгайтирилди. Марказий участкада эса икки қаватли типовой боғча қурилиб, у қишин-ёзин ишлаб турибди. Боғчаларимизнинг ҳаммаси тўла жиҳозланган.

Участкалардаги мактабларнинг ҳаммаси кенгайтирилди ва 15 июндаёқ тўла ремонтдан чиқарилиб, янги ўқув йилига зўр тайёргарлик кўрилди. Шунингдек, иккита участкада қурилган янги типовой магазинлар саноат ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қила бошлади.

Шу йил 9 май куни колхозимиз ёшлари ҳам қурувчиларимиздан ажойиб совға қабул қилиб олдилар. Шу куни улар учун қурилган қишки спорт зали тантанали равишда очилди. Айни кунларда ёшларимиз ўзларининг ишдан ва ўқишдан бўш вақтларини ана шу ерда очилган баскетбол, волейбол, теннис, кураш тўгаракларида ўтказмоқдалар.

Колхозчиларимизнинг яна бир истаклари амалга оширилаётир. Яқин кунлар ичида ишга тушадиган маиший хизмат уйи меҳнаткашларимизнинг оғирини енгил қилади.

Хўжалигимиз мулки бўлган барча техника воситалари замонавий типда қурилган трактор паркида сақланади. Шунингдек, дон, кимёвий препаратлар ҳамда минерал ўғитларни сақлаш учун етарли миқдорда омборхоналар қурилган.

Бу йил биз 45 кути қурт уруғига мўлжалланган жамоатчилик куртхонаси қуриб, тажриба қилиб кўрдик. Ипак қуртини бундай коллектив усулда парвариш қилиш икки тарафлама фойдали экан. Биринчидан, меҳнат кам сарф бўлиб, пилланинг таннархи арзонлашса, иккинчидан ҳосилдорлиги ортади. Шунинг учун биз яқин йиллар ичида ипак қуртини якка-якка хонадонларда боқишдан воз кечиб, тўла коллектив усулга ўтиш режаларини тузмоқдамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, колхозимиз қишлоқларининг йил сайин ободонлашиб бораётганлиги биринчи навбатда колхозчиларимизнинг фидокорона меҳнатлари эвазига олинаётган соф даромад туфайлидир. Масалан, 1968 йили умумий даромад 2 миллион 282 минг сўмни ташкил этган бўлса, 1976 йилга келиб 3 миллион 790 минг сўмга етди. Шу йили олинган соф даромад 1 миллион 87 минг сўм бўлиб, рентабеллилик даражаси қарийб 40 процентга тўғри келди.

Хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан юксалиб борган сари колхозчиларимизнинг шахсий даромадлари ҳам ортиб бормоқда. Уларнинг ўртача ойлик меҳнат ҳақлари 1968 йилда 120 сўмга тўғри келган бўлса, ўтган хўжалик йилида 180 сўмга кўтарилди. Дарҳақиқат, бахт Қомусининг янги лойиҳасида таъкидланганидек, **колхозимиз эгаллаб турган ерлар текин ва бемуддат фойдаланиш учун хўжалигимизга бириктириб қўйилган** экан, меҳнаткашларимиз бу ғамхўрликларга жавобан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, таннархини арзонлаштириш ва сифатини яхшилаш учун виждонан қурашмоқдалар.

«СССРда қишлоқ хўжалик меҳнатини индустриал меҳнатнинг бир турига айлантириш, қишлоқ жойларида халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва коммунал хўжалик муассасаларининг шоҳобчаларини кенгайтириш, қишлоқларни обод посёлкаларга айлантириш программаси изчиллик билан амалга оширилаверади» дейилади СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасида. Бу оқилона таъриф колхозчиларимизни янги-янги меҳнат ғалабаларига руҳлантирмоқда. Бу йил улар пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга етказишга, каноп экилган майдонларнинг ҳар гектаридан камида 200 центнердан ҳосил кўтаришга қатъий қарор қилдилар. 160 гектар майдондаги шолидан 70 центнердан, дон учун экилган маккажўхоридан эса 100 центнердан ошириб ҳосил олинади. Бу мажбуриятларни шараф билан бажариш учун тўла имкониятларга эгамиз. Шу маррани эгалласак, даромадга даромад қўшилади.

Эндиликда ажралмас фонд учун ҳар йили ярим миллиондан зиёд маблағ ажратиш имкониятига эга бўлаётганлигимизни ҳисобга олиб, қишлоқларимизда ободонлаштириш ишларини янада кенг кўламда олиб боришни планлаштирмоқдамиз. Келгусида колхозимиз марказида улкан маданият саройи қад кўтаради. Замонавий талабларга жавоб берадиган савдо маркази барпо этилади. Хонадонларимизни табиий газ билан таъминлаш мақсадида лойиҳа тузилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, яқин келажакда шаҳар типидаги замонавий, шинам посёлкага эга бўламиз. Колхозчиларимизнинг орзу-истаклари ана шундай.

В. С. КИМ,
Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз раиси, қўш «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери.

«Иқтисодий-сиёсий, социал ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида СССР гражданларининг тенг ҳуқуқлилиги таъминланади» дейилади Конституция лойиҳасининг 34-моддасида. Ҳали ёшман. Бироқ ана шу ҳуқуқларнинг кўпчилигидан фойдаландим.

1971 йилда устозларим қўлимга етуклик аттестати топшириб, мустақил ҳаётга йўлланма беришди. Ўша йили оиламиз яшаб турган Гулистон районидаги Ленин номли колхозда меҳнат қилдим.

Мамлакатимизда ишчи ва колхозчиларнинг билим олишига алоҳида эътибор берилади. Кейинги йили В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг тайёрлов бўлимида ўқиб, стипендия ҳам олиб турдим.

Ҳозир романо-герман факультетининг IV курсини тугатдим. Атрофимга қараб қувонаман. Шаҳримизнинг энг муҳташам биноларидан бирида таълим олаяпмиз. Чуқур билимли фан заҳматкашлари бизга таҳсил беришаяпти. Махсус жиҳозланган фонокабинетлар ва фан лабораторияларини, чароғон аудиторияларни ихтиёримизда. Қисқаси, ҳуқуқ-имтиёзларимиз баланд.

Факультетимизнинг ўзидаёқ 15 га яқин миллат фарзандлари бор. Асосий кўпчилик давлат стипендияси билан таъминланган. Ҳаммамиз тинч-тотув, комсомол ва жамоат ишларида, ишлаб чиқариш практикасида ҳамкорликда актив қатнашамиз. Яқинда бир группа студентларимиз кўнгилли равишда меҳнат семестрини ўташ учун Новгород шаҳрига жўнаб кетишди.

Капиталистик мамлакат ёшларининг оғир қисмати, ирқий, миллий камситиш ва адоватлар ҳақида кўп ўқиганман. Бизда бу каби иллатлар мутлақо таъқиқланган. Ана шу қонунларни янада мустаҳкамлаган, бинобарин совет ёшларининг ёрқин келажагига бевосита даҳлдор бўлган янги Конституцияни чин қалбдан ёқлайман.

Р. СУЛТОНОВ,
студент.





СУРАТДА: юқори ҳосил рида (чапдан) илғор сувчи Бозоров ўртоқлар.

устаси Нашпанали Ашрапов бригадаси далаларида. Юқо- М. Мадаминов, бригада бошлиғи Н. Ашрапов ва сувчи Т. Т. Маҳкамов фотолари.

ҲАР БИР МОДДА АТРОФЛИЧА ТУШУНТИРИЛМОҚДА

ЧИРЧИҚ. Шаҳардаги корхоналар ва ташкилотларнинг ўнлаб пропагандистлари ўзларининг шахсий планларига тузатишлар киритдилар: партия ташкилотлари уларни СССР Конституциясининг лойиҳаси ўрганиладиган халқ сиёсий мактабларига раҳбар қилиб юборди. Чирчиқда меҳнаткашлар истиқомат қиладиган жойларда юздан ортиқ ана шундай мактаб ташкил қилинди.

Химиклар, металлурглар, машинасозларнинг маданият саройлари, «Строитель» клуби, кўпгина ўқув юртлари сиёсий мактабларда машғулотлар ўтказиш учун ўзларининг кенг хоналарини бердилар. Китоблар махсус танланган кутубхоналар, киноустановкалар тингловчилар ихтиёрига бериб қўйилди. Машғулотларнинг программасида Совет жамияти ҳаёти асосий Қонунининг лойиҳаси тўғрисида, Улуғ Октябрнинг улкан зафарлари ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказиш, савол-жавоб кечаларини ташкил қилиш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Область китоб савдоси ходимлари китоб ва канцелярия товарларини реализация қилиш бўйича ярим йиллик планни ортиғи билан адо этдилар. Шу кунларда улар Улуғ Октябрь 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун янги марраларни кўзлаб ишламоқдалар.

Ярим йил давомида область китоб савдоси магазинлари 534 минг сўмлик ўрнига, 547,3 минг сўмлик маҳсулотни сотдилар. Савдо ходимлари планни ҳаммаси бўлиб 103,2 процент қилиб адо этдилар.

Бу муваффақиятга айниқса Ангрен, Чирчиқ ва бир қатор районлар китоб савдоси ходимлари катта ҳисса қўшдилар.

* * *

«Союзпечать» агентлиги ходимлари ҳам ярим йиллик товар оборота планини бажардилар. Пландаги 4104 минг сўмлик ўрнига 4136,2 минг сўмлик газета-журналлар реализация қилинди. Энди «Союзпечать» ходимлари ҳам шонли 60 йиллик юбилейга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Дунё овози
чет эл хабарлари

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

✦ БОНН. Германия коммунистик партияси янги нацистларнинг ижтимоий мақсадда ўтказилаётган йиғинларига кескин суръатда қарши чиқмоқда. Бавария янги нацистлар национал-демократик партияси ташкилотининг Хофда «конференцияси» ўтказилиши муносабати билан Германия коммунистик партиясининг шимолий Бавариядаги ташкилоти Баёнот эълон қилди. Баёнотда таъкидлаб ўтилганидек, янги нацистларнинг йиғини «ГФРда халқаро кескинликни юмшатиш учун курашаётган барча демократик кучларга ижтимоий мақсадида қилинган дағдаға» бўлди.

✦ ХЕЛЬСИНКИ. Финляндия халқ демократик иттифоқи Америка қўшинлари Жанубий Кореядан олиб чиқиб кетилсин, деб талаб қилди. Финляндия халқ демократик иттифоқи Корея билан халқаро бирдамлик ойлиги ўтказилиши муносабати билан эълон қилинган баёнотида корейс халқининг мамлакатни тинч йўл билан бирлаштириш борасидаги ҳаракатини тамомила қўллаб-қувватлади.

✦ БРАЗИЛИА. Бразилия ҳарбий трибунали миллий хавфсизлик тўғрисидаги қонунни бузди, деган соҳта айб билан қонун чиқарувчи мажлиснинг Бразилия Компартиясидан сайланган собиқ депутати Ф. Гомис Фильяни 5 йиллик муддат билан турма жазосига ҳукм қилди. Адвокат Эми Раймунду Морейра асоссиз ҳукмга қарши норозилик билдириб, Ф. Гомисга қўйилган айб реакцион кучларнинг Бразилияда маккартизмни тиклаш йўлидаги уринишидан бошқа бир нарса, эмас, деб таъкидлади.

(ТАСС).

ЖИДДИЙ ҲАВОТИРЛАНИШ

ЖАҲОН жамоатчилиги АҚШ ҳукуматининг одамларни ялпи қириш учун мўлжалланган янги ядро қуроли бўлган нейтрон бомбаларини ишлаб чиқариш тўғрисидаги қароридан жиддий хавотирланиб, бу қарорни қуролланиш пойгасидаги хатарли бўғин, халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш соҳасидаги куч-ғайратларга жиддий суратда ҳалақит берадиган қадам бўлиши мумкин, деб ҳисобламоқда.

✦ ХЕЛЬСИНКИ. Финляндия матбуоти АҚШнинг нейтрон бомба ишлаб чиқариш ҳақида қабул қилган қарори ва ана шу ажал қуролини АҚШнинг НАТОдаги шериклари бўлган Ғарбий Европа мамлакатларида жойлаштириш нияти хусусида ташвишланаётганлигини изҳор этмоқда. «Кансан уутисет» газетасининг ёзишича, зўр куч-ғайрат сарфлаб «совуқ уруш» давридан халос бўлиб, кескинликни юмшашининг ҳаётбахш таъсирини ҳис этган Ғарбий Европа учун бу нарса чиндан ҳам орқага қараб кўйилган жуда катта қадам бўлади. Шу боисдан қуролсизланиш ва ялпи қирғин қуролларининг барча турларини таъқиқлаш йўлидаги курашни, деб таъкидлайди газета, бутун инсоният учун ғоят муҳим вазифа бўлиб қолади.

✦ БОННГ. Тинчлик, ҳамкорлик ва қуролсизланиш учун курашувчи Ғарбий Германия комитети бу ерда эълон қилинган баёнотида Қўшма Штатлар нейтрон бомбасини ишлаб чиқаришга киришга тириб, қуролланиш пойгасида янги хатарли босқични бошлаб бермоқда, деб таъкидлайди. Шу тариқа бутун дунёда халқаро хавфсизлик ва тинчлик учун таҳдид туғилмоқда.

АҚШ президенти Ж. Картернинг қанотли ракеталарни чекланмаган миқдорда ишлаб чиқариш тўғрисидаги қарори билан бирга нейтрон бомбаларнинг яратилиши ҳозирги Америка маъмуриятининг тутган йўли замон рухига мос бўлиб тушмайди, халқаро кескинликни юмшатиш манфаатларига тамомила зиддир, деган хулосани чиқариш имконини беради.

Германия Компартияси правлениесининг президиуми бу ерда эълон қилган баёнотида қуролнинг ана шу турини ГФР ва Ғарбий Европадаги бошқа мамлакатларнинг территориясида жойлаштиришга асло йўл қўйиш мумкин эмаслигини таъкидлади.

✦ БРЮССЕЛЬ. Бельгия коммунистларининг «Драпо руж» газетаси қуйидагиларни ёзади: АҚШда қанотли ракеталарни ва бутун жонли нарсаларни йўқ қилиб юборадиган дахшатли қурол —нейтрон бомбасини ишлаб чиқаришга кенг йўл очиб қўйилганлиги қуроллачишни чеклаш йўлида ҳозиргача эришилган тараққиётни йўққа чиқариши мумкин. Вашингтон ўт билан ўйнамоқда ва бизни ўтмишга қайтариб қўйиши мумкин, деб таъкидлайди газета. Бу эса қуролларнинг бошқа ким учун фойдали бўлиши мумкин?

«Драпо руж» газетаси таъкидлайдики, «инсон ҳуқуқлари» мавзуи шарқ билан ғарб ўртасидаги муносабатларни ёмонлаштириш учун шарт-шароитларни яратиб, шу тариқа қуролланиш пойгасининг кучайтирилишини оқлаш учун АҚШдаги муайян доираларга важ тариқасидагина хизмат қилаётганлиги сўнгги воқеалар асосида тобора аниқ-равшан бўлмоқда. Бельгия социалистик партиясининг органи бўлган «Пепль» газетаси нейтрон бомбалар яратиш тўғрисида АҚШ қарорига бағишланган шарҳида ана шу хатарли режаларни, НАТОдаги генераллар тўла-тўкис маъқуллашди, деб ташвишланиб ёзади.

ЕР—ХАЗИНА

ЭЛЛИКЦЕНТНЕРЧИЛАР ДАЛАСИДА

Ер — хазина. Деҳқон эса ана шу хазина соҳиби. Унинг жавоҳирлар тўла сандиғини очиш учун сидқидилдан меҳнат қилиш керак. Қисқаси, хазина калити ҳалол меҳнат.

Нашпанали ака бу ҳикматни ёшлигидаёқ эшитган. Шу туфайли ҳам ерга меҳр қўйиб, деҳончилик касбини эгаллаган бўлса ажаб эмас. Янглишмаган экан. Пахтакорлик касби уни эъзозлади, эл-юртга танитди. Бугунги кунда Нашпанали Ашрапов колхознинг энг уста пахтакорларидан, тажрибали бригада бошлиқларидан ҳисобланади...

Кун қизигандан қизиб кетди. Саратон қуёши олов пуркайди. Ерталабдан дала айланган Нашпанали ака бригада шийпонида тўхтаб, бироз нафасини ростлади. Ҳаёлига эрк берди. Яхшиямки деҳқонлар фан-техника ютуқлари, замонавий техника воситалари билан қуролланган. Бўлмаса, шу бақувват тракторларсиз 80 гектар ердаги ғўза парваришини эплай олармиди. Бунинг устига галла ва бошқа экинлар...

Партия ва ҳукуматимиз деҳқон ҳақида чексиз ғамхўрлик қилмоқда. Бу яқиндагина умумхалқ муҳокамасига қўйилган СССР янги Конституцияси лойиҳасида ҳам ўз аксини топган. Мамлакатимиз асосий қонуни лойиҳаси бригада аъзолари томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Бу муҳим ҳужжатда совет кишисига кўрсатилган ғамхўрлик, унга берилган имтиёзлар ва барча ҳуқуқларнинг гарантияланганлиги пахтакорлар меҳнат кўтаринкилигини янада жўш урдириб юборди.

Бригада бошлиғи ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР янги Конституцияси тўғрисидаги докладида баён қилинган **«Деҳқон ҳам ўзгарди. Ҳозирги колхозчи колхозда туғилиб ўсган, унинг психологиясн социалистик негизда шаклланган. У замонавий техникани бошқармоқда. Унинг маълумот савияси, унинг ҳаёт тарзи эса, кўпинча шаҳарликларникидан қолишмайди»**, деган сўзларини беихтиёр ҳаёлидан ўтказди.

Дарҳақиқат, шундай. Исбот қидириб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Буни Н. Ашрапов бригадаси мисолида ҳам кўрса бўлади.

Яқин йилларда ҳам мана шу ерлардан аранг 12—13 центнердан пахта ҳосили олинар эди. Ёш коммунист Н. Ашрапов 1963 йилда кам ҳосилли бригадага бошлиқ қилиб тайинланди. Бригада аъзоларининг таъбири билан айтганда «ёш йигитнинг оёғи ёқди, чамаси», ўша йилиёқ ҳосилдорлик икки баравар ортди. Пахта майдони ҳам кенгайиб борди. Ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Маҳсулот таннархи камайиб, колхозчилар даромади ортди. Масалан, ҳозир сувчи Мирюсуф Миржумаевнинг ўртача ойлик иш ҳақи 150—180 сўмни, тракторчи Карим Ҳайдаровнинг ойлик даромади эса 200 сўмни ташкил этаяпти. Мана шуларнинг ҳаммаси пахтакорлар меҳнати илмий ташкил этилганлиги ва техника ишончли таянч бўлиб қолганлиги самарасидир. Дарвоқе, бугунги кунда деҳқон парвозини техникасиз тасаввур қилиш қийин.

Пахтакорлар шу долзарб кунларда ҳамма кучни ғўза ниҳолларини машинабоп қилиб парваришлашга қаратмоқдалар. Бу йил кам деганда ҳосилнинг 90 процентини машиналар билан саранжомлаб олинади. Бунинг учун маълум асос бор. Агротехника тадбирлари ўз вақтида сифатли ўтказилаётганлиги туфайли ниҳоллар бир текис ҳосил олияпти. Олди гўзаларда уч-тўрт тадан бўлиқ кўсак бор. Эндиги вазифа улар сонини 10—11 тага етказишдан иборат. Июль ҳосил тўплашда долзарб палла. Ниҳоллар озуқадан, сувдан толиқтирилмаса, белгиланган маррани сўзсиз эгаллаш мумкин.

Йўлнинг ўнг ёқасидаги пахта майдонида бригада сувчилари Муродали Мадаминов, Тўйчибой Йўлдошев, Тўрақул Бозоровлар гўзаларига шикаст етказмаслиги учун у махсус ҳимоя тўсиқлари билан таъминланган.

Маматқул ака тракторни бир текис бошқаради. Ҳар туп гўзани авайлайди. У механизаторлик касбида бой тажриба орттирган. Сидқидилдан қилаётган меҳнати унга эъзоз тортиқ этяпти. Бригада тракторчисига Республикада хизмат кўрсатган механизатор унвони берилган, кўксини қўш Меҳнат Қизил Байроқ ордени безаб турибди.

Бригада аъзоларини аҳил оилага қиёс қилиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси бир мақсад йўлида шижоат кўрсатишяпти. Коллектив меҳнати қувончла эгизак... Бир майдонда эгатларга сув тараляпти, иккинчисида эса ғўзаларга ишлов бериляпти. Бошқа бир майдонда чеканка бормоқда. Бригада аъзолари Дилором Бозорова, Зумратой Мадаминова, Санда Шарипова, Тожихон Йўлдошева ва бошқалар пайкалларда учраган бегона ўтларни юлиб, майдон ташқарисига чиқариб ташлаяпти. Улар бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун пухта замин ҳозирлашаяпти. Белгиланган катта марани эгаллаш, Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллигини қувончли меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш ҳар бир аъзонинг юксак азму-қароридир.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз.



ЮБИЛЕЙ йилида Германия Демократик Республикасида СССРнинг 16 ансамбли ва бадиий коллективи ўз санъатини намойиш этади. Суратда: Давлат рус шимолий халқ хорининг рақс группаси Дрезден шаҳридаги Цвингер сароийи олдида концерт бермоқда.

АДН—ТАСС фотоси.

Бизнинг ахборот

ЯНГИ КЎРГАЗМА

Ўтган йили республикамиз енгил саноатчилари 226 миллион метрдан зиёд газлама ишлаб чиқардилар. Ўнинчи беш йилликнинг охирига бориб эса бундай хилма-хил ва сифатли газламалар 347 миллион метрдан зиёдроқ ишлаб чиқариладиган бўлади.

Шу кунларда Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлган киши бу ерда очилган янги экспозициядан енгил саноатчиларимизнинг бошқа марралари ҳақида ҳам кўпгина маълумотларни олиши мумкин. Янги тематик кўргазма Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган. Экспонатлар, стенд ва фотосуратлар Совет хоқимияти йилларида республикамиз енгил саноати эришган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилади.

Кўргазмага серқуёш Ўзбекистонимизнинг турли бурчакларидаги корхоналар ўз маҳсулотларини юборишган. Булар орасида айниқса кўзни олувчи атлас ва шойилар, чинни маҳсулотлари, пойафзаллар ва турли кийим-кечаклар ҳаммада катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўргазма августгача ишлаб туради.

ИТТИФОҚДА БИРИНЧИ МАРТА

Ўзбекистон химия машинасозлиги заводида янгидан-янги асбоб-ускуналар чиқарилмоқда. Шулардан бири ацетонанил олишда ишлатиладиган жиҳозлардир. Бу жиҳозлар Иттифоқда биринчи марта ана шу йирик корхонада ишлаб чиқарила бошланди.

Ацетонанил каучукнинг сифатини ошириш учун қўшимча маҳсулот сифатида ишлатилади. Шунинг учун ҳам корхонада ишлаб чиқарилган янги машина жуда катта аҳамиятга эгадир. Яқинда «Ўзбекхиммаш» ишчилари ана шундай машиналарнинг дастлабки партиясини мамлакатимиздаги бир неча корхонага жўнатдилар.

Тошкент. Меҳнат Қизил байроқ орденли Алишер Навоий номли опера ва балет академик катта театри композитор И. Акбаровнинг «Сўғд элининг қоплони» операсини саҳналаштирди. Опера либреттосини Ботир Зокиров ёзган, РСФСР халқ артисти Р. Тихомиров постановка қилган. Суратда: «Сўғд элининг қоплони» операсидан бир кўриниш.

Р. Шамсуддинов фотоси.



ШИФОКОР МИНБАРИ

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

ЮҚУМЛИ меъда-ичак касалликларига ич терлама, паратиф, бактериал дизентерия, овқатдан заҳарланиш, ботулизм каби хасталиклар киради. Касаллик қўзғатувчи микроблар одамга яхши ювилмаган мева сабзавотларни истеъмол қилиш орқали юқади. Улар оғиздан меъдага тушган ичакларга ўтади ва бу ерда кўпайиб, ичакнинг шиллиқ қаватини шикастлайди, бутун организмни токсинлар билан заҳарлайди.

Озиқ-овқат саноати магазинлари ва ошхоналарда ишловчилар шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмасалар, улар тайёрлаган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилган кишилар орасида касаллик кенг тарқалиши мумкин. Касаллик бирдан бошланиб, овқат билан заҳарланишнинг клиник кўринишини эслатади. Чунки ҳозирги вақтда кўп кишилар турли касалликлар билан оғриганларида маълум миқдорда ҳар хил антибиотик билан даволанган бўладилар. Шунга кўра уларда юқумли меъда-ичак касаллигининг белгилари типик равишда кечмаслиги мумкин. Бу эса тўғри диагноз қўйишни мушкуллаштиради. Бироқ, шунга қарамай беморни синчиклаб текшириш орқали касалликни аниқлаш мумкин. Бирор киши ўзида юқумли меъда-ичак касаллиги бошланаётганлигига гумон қилса, дарҳол врачга бориши керак.

Касаллик бактерияларини ташиб юрувчилар атрофдагилар учун айниқса, хавфли. Уларни аниқлаб, бошқалардан ажратиш ва даволаш касалликнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Бунинг учун уларнинг қони, нажоси ва сийдигини бактериологик ва серологик томондан текшириш методлари қўлланилади.

Бактерия ташувчилар озиқ-овқат саноати магазинлари ва умумий овқатланиш шохобчаларида ишлашлари мумкин эмас. Мунтазам равишда санитария назоратидан ўтказиб туриш эндигина бошланиб келаётган касалликни ўз вақтида аниқлашга ёрдам беради.

Озиқ-овқат тайёрлаш соҳасида ишлайдиган кишилар шахсий ва ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси қоидаларига қаттиқ риоя қилишлари керак. Озиқ-овқат тайёрлашда маҳсулотлар (гўшт, сут ва бошқалар)нинг бузилган ёки бузилмаганлигини аниқлаб ишлатиш зарур.

Маълумки, ўткир меъда-ичак касалликлари ифлос қўл, озиқ-овқат, сув орқали юқади. Шунинг учун овқатланишдан олдин албатта қўлни совун билан ювиш керак. Овқатлар ҳамда идиш-товоқларга пашша қўнмаслиги учун уларнинг устини ёпиб қўйиш лозим.

Сабзавот ва ҳўл мевалардан ҳам микроблар бўлади. Уларни истеъмол қилишдан аввал водопроводда ёки қайнатилган сувда яхшилаб ювиш лозим.

Пашша кам бўлган жойда фалът ёки қаттиқ қопламли ерда туриши керак.

Пашшаларни қиришда ҳар хил моддалар (мухоморлар, ёпишқоқ қоғозлар, шакар қўшилган 2 процентли формалин эритмаси, ДДТ ва бошқалар) қўлланилади. Пашшалар хоналар, ошхона ва бошқа жойларга кирмаслиги учун очиқ дераза ларга тўр тутиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳовуз, қудуқ ва ариқ сувларига беморларнинг нажоси ёки сийдиги тушса, ё унда беморнинг кийим-кечаги, идиш-товоқлари ювилса, шунингдек кир ўралар ва ҳожатхоналар сув манбалари яқинида бўлса, истеъмол қилганлар касал бўлиши мумкин. Шунга кўра сувни ифлосланишдан сақлаш асосий профилактик омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Санитария ва гигиена қоидаларини тўла ўрганиб, ҳаётга тадбиқ этиш ҳар бир кишининг бурчидир. Корхоналар, аҳоли яшайдиган жойларни, болалар муассасалари, кўча ва ҳовлиларни ҳамиша озода тутайлик!

О. МАҲМУДОВ, профессор

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАГИ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, КОРХОНАЛАР, БИЛИМ ЮРТЛАРИ, МАКТАБЛАР, ИНТЕРНАТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАРНИНГ ХИЗМАТЧИЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!



ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

СЕНТЯБРЬ ОЙИДА

„ВАЛОРАТ ЁШИГА ТЎЛМАГАНЛАР“

БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ

КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИГА ЧИҚАРАДИ



М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ

БУ ФИЛЬМ ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ИШИДА ЁРДАМ БЕРАДИ

ҲАМИША БИРГАМИЗ

БОЛАЛИКДАГИ хотира гоят барқарор бўлади—инсоннинг илк таассуротлари умр бўйи сақланиб қолади, дейишади. Орадан қанча йиллар ўтиб кетди, аммо Доғистон, баланд тоғли Хлют овулимиз ҳамон кўз олдимда. Жилғалар тошларга урилиб, шалдирайди, Майрам Холанинг илиқ қўллари бошимни силайди.

Икки ёшга тўлиб-тўлмасимданоқ онам ва отам ўлиб кетишди. Уйда мендан ташқари акаларим—ўн ёшли Қурбон ва тўрт ёшли Оғамирза қолишди. Колхоз правлениеси бизга бериб қўйган тарғил сигиримиз ҳам бўларди. Олийжаноб аёл Майрам хола шу сигирни соғиб, сутини бизга берар, нон ёпар, уйимизни йиғиштирарди. Биз бўлсак, кўлимиздан келганча унга ёрдамлашардик.

Биринчи ўқитувчим Астагул опага нисбатан қалбимда алоҳида миннатдорчилик туйғусини сақлаб қолганман. Ушанда, мурғак болалигимда у менга энг катта, энг ақлли одам бўлиб туюларкан. Ҳолбуки, ўша вақтда у ниҳояти йигирма икки ёшда экан. Она тилидан дарс бериб, институтда сиртдан ўқирди. Комсомол ташкилотининг секретари эди. Унинг дераза сида чироқ алламаҳалгача ёқиқ турарди. Аммо Астагул бизникига келиб хабар олишга вақт топа олар эди.

Мен ўқитувчимга меҳр қўйгандим. Ундан сира ажралгим келмасди. Аммо уруш бошланиб кетди. Қурбонни ҳарбий комиссариятга чақиришди, мен эса жонажон овулдан кетишга мажбур бўлдим. Болалар уйида олдинига зерикдим, ҳаммага ёввойи кўз билан қарардим. Мени ҳафа қилишади деб ўйлардим. Ватан — фақат менинг овулимгина ва фақат Доғистонгина эмаслигини мендай болакай қаердан ҳам билсин. Ватан—бутун буюк Советлар мамлакати. Унинг исталган бурчагидаги барча кишилар тенгдирлар.

Нуқул яхши одамларга дуч келдим. Армияга борганимда саккиз йиллик маълумотим бор эди. Механизациялашган қисмга тушиб қолдим. Бироз қийналдим. Аммо бамайли-хотир, хушчақчақ йигит—волгалик рус йигити сержант Бушуев ҳамиша ёнимда бўлди. У бирон-бир механизм билан уй,малашиб юрганимда келарди-да, қараб туриб сўз қотарди:

— Қани, Алимирза, мен бир кўрай-чи.

Қарасам унчалик мураккаб эмасдек туюларди, мен ҳам тузата олишимга ишонч ҳосил қилардим.

Кейин шофёр бўлдим, Совет Иттифоқи Қаҳрамони украиналик майор Берестовенкони олиб юрдим. Жуда меҳрибон одам эди, менга худди ўз фарзандидек муносабатда бўларди. Запасга бўшатилишим олдидан маслаҳат сўраб, майорнинг олдига келдим, қаерга борсам экан, деб маслаҳат солдим.

— Биласанми, — деди у,— улкан иш бошланяпти — халқимиз кўриқ ерларни очиб, у ерда дон, пахта етиштирилади. Механизаторлар билим юртига бор, ахир машиналарга меҳринг тушган-ку.

Шундай қилдим ҳам. Дарбант яқинида биринчи бор трактор ричаги ва комбайн штурвалларига ўтирдим, механизатор бўлдим. Кейин комсомол йўлланмаси билан бошқа битирувчилар қаторида Мирзачўлни ўзлаштиргани Ўзбекистон ССРга йўл олдим.

1956 йил 14 октябрь... Бу кунни умр бўйи эсдан чиқармайман. Юк машиналари колоннаси чўлга келиб тўхтади. Сувсизлик ва жазирамадан қат-қат ёрилиб кетган тақир ер. Бир миллион гектардан зиёд майдондаги ҳувиллаб ётган ер, қуёшнинг жазирама нурида шўр босган майдонлар ярқираб кўринади. Эллик даражали ҳароратга тирик жон дош беролмайди, деб ўйлайсиз. Жуда қадимий қалтакесакларни эслатувчи эчкемарларгина қоқ тақирда оҳиста судралиб юради. Дастлабки чодирларга қозиқ қоқарканмиз, бу ерда шаҳарлар қад кўтарадиган пайтларни, сув пахта далалари ва боғ-роғларга ҳаёт берадиган дамларни орзу қилардик.

Янгиер шаҳрига асос солдик. Уч юз минг гектар ерни суғорадиган канал қазишни бошладик. 1960 йилдаёқ бу канал қуриб битказилди. Унга биринчи чўлқувар — Ленин мукофоти лауреати, «Главголодностепстрой» бошлиғи Акоп Абрамович Саркисовнинг номи берилди. Аста-секин ҳаммамиз янги жойга кўникиб қолдик. Мен техникумга кирдим, ўқидим, бошқаларни ҳам ўқитдим. Бу пайтга келиб тажриба орттирган эдим-да. Оилали бўлдим, Аня деган рус қизига уйландим, уйлик-жойлик бўлдим. Ҳозир уч фарзандим — икки қиз ва бир ўғлим бор. Дўстлик деган обод посёлкада яшаяпмиз. Посёлканинг номи ҳам рамзий маънога эга.

Дарҳақиқат, Мирзачўлни инсонлар дўстлигисиз, ўзаро ёрдамисиз забт этиб бўлмасди. Менинг участкамни олиб кўрайлик. Руслар, украинлар, ўзбеклар, лезгинлар, арманлар, татарлар, тожиклар — ҳамма миллат вакилларини учратишингиз мумкин. Улар орасида ўз ишининг ҳақиқий усталари ҳам, ёшлар, тажрибасизлар ҳам бор. Уларга назар ташлар экансан, устозларим оёққа туриб олишда менга ёрдам беришганини ўйлайман. Ҳаётимиз қонунининг ўзи шунақа. Уқишга хоҳишинг борми—ўқи меҳр қўйган ишни эгаллашни истайсанми — эгалла. Советлар мамлакатида обрў ва мавқени миллатинг, қариндошлигинг эмас балки. Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатинг белгилайди. Асосий ҳуқуқимиз ҳам, асосий бурчимиз ҳам ана шунда.

Биргаликдаги ишда, кийинчиликларни биргаликда бартараф этишда кишиларни яхши билиб оласан. Бир куни баҳор кезида тоғ кўчиб, Зарафшон дарёси тўсилиб қолди. Сув кўп тўпланиб, атрофдаги қишлоқларга хавф-хатар солди. Қўшни Тожикистонга механизаторларимиз машиналарда ёрдамга боришди. Геннадий Лакисов, Михаил Григорьев, Николай Толстопятов ва бошқалар мен билан бирга тунукун тинимсиз ишлашди. Биз ғолиб чиқдик — офатни чекинтирдик.

Механизациялашган кўчма колоннамиз пландан ташқари катта ҳажмда иш бажарди. Бунга бизни ҳеч ким мажбур қилгани йўқ—қўриқ совхозларнинг деҳқонлари бизлардан юз гектарлаб унумдор ерларни қабул қилиб олиб, шу йил ёздаёқ ҳосил етиштиришлари мумкинлигини жуда яхши тушунамиз. Қўриқдаги биз қурган совхозлар жами давлатга икки ярим миллион тоннадан ортиқ пахта етказиб бёришди. Бунинг учун Мирзачўлда яшасанг ва ишласанг арзийди. Менинг уйим, ўртоқларим, катта оилам шу ерда.

А. АЛИЕВ,
«Дренажстрой» трестининг 25-механизациялашган кўчма колоннаси участкаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
Жиззах области, Ўзбекистон ССР.
[«ПРАВДА», 1977 йил, 18 июль].

Спорт

БИРИНЧИ ДАВРАНИ ИККИНЧИ УРИНДА

Мамлакат футбол чемпионатининг биринчи лигаси вакиллари мавсумнинг ярмига якун ясашди. Ўтган куни навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Минск динамочилари бу сафар мағлубиятга (маълумки улар бундан аввалги турда «Терек»ка ютқазишган эди) учрадилар. Белоруссия футболчилари Оржоникидзеда «Спартак» коллективига 1:2 ҳисобида ютқазишларига қарамай, биринчи даврани 27 очко билан пешқадам бўлиб якунлашди.

Кутаиси шаҳрида «Торпедо» футболчилари билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган «Пахтакор» 25 очко билан иккинчи ўринни олди. «Нистру» футболчилари ҳисобида ҳам шунча очко бор. Лекин Кишинев футболчилари тўплар нисбатига кўра учинчи ўринни эгаллаб туришибди. Ўтган кунги турда «Нистру» ўз майдонида «Кузбасс» коллективи устидан 3:1 ҳисобида ғолиб келди. «Таврия» билан «Спартак» ўйини 2:2 ҳисобида дуранг бўлиб тугади.

САМБОЧИЛАРИМИЗНИНГ ҚУШ МЕДАЛЛАРИ

Ёшларнинг Бутуниттифоқ иккинчи спорт ўйинларида республикамиз вакиллари ўртасида энг яхши қатнашган самбочилар бўлди. Комил Ибатуллин билан Ғаффор Остонаевлар ўз вазнларида биринчи ўринни эгаллаб, олтин медаль билан тақдирланишди. Яна уч спортчимиз Олег Моторин, Турсун Бадалов ва Евгений Намлар бронза медалини қўлга киритишди. Шахсий ҳисобда иккита олтин ва учта бронза медалига муяссар бўлган республикамиз самбочилари умумкоманда ҳисобида Белоруссия ва РСФСР командаларидан кейинги учинчи совринли ўринни эгаллашди.

Оғир атлетикачиларнинг мусобақасида Л. Куртаметов командамизга яна битта олтин медаль олиб берди. Ўрта вазнда мусобақалашган бу оғир атлетикачи икки курашда 325 килограмм натижа билан биринчи ўринни олди ва СССР спорт мастери нормативини бажарди.

НАВБАТДАГИ ТУР ЧИРЧИҚДА

«Правда Востока» газетаси совринни учун ўтказилаётган шашкачилар мусобақасининг қатнашчиларини бу сафар чирчиқлик спорт мухлислари кутиб олишди. Спортчилар мусобақа судьялари билан ҳамкорликда яхши иш тутишмоқда. Пойтахтимизнинг Санъат саройида бошланган турнир иштирокчилари «Политотдел» колхозида бўлишгандан сўнг; навбатдаги тур ўйинларини Чирчиқ шаҳрида ўтказишди.

Тўққиз турдан сўнг 7 имкониятдан 6 очко тўпланган Л. Ильина пешқадамлик қилмоқда.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Гимнастика. 10.30 — Тилла боғичли туфли (бадиий фильм, 2-серия). 11.35 — Ҳужжатли фильм. 14.55 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.05 — «Крилов масаллари». 16,35 — Денгиз овчиси (бадиий фильм). 1 7.45 — Москвалик-лар беш йиллик маршида. 18.15 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ҳар доим бўлсин қуёш. 20.45 — СССР Конституциё лойиҳасини муҳокама қиламиз. 21,00 — Қалбга яқин қўшиқлар. 22.00 — «Вақт». 22,30 — Футбол. «Торпедо» (Москва) — «Қайрат» (Олмаота). 00.15 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Фильм-эртак. 12.00 — Олтин эшелон (бадиий фильм). 18.30 — Мультфильм. 18.55 — Қувноқ пионер ёзи. 19.20 — Ахборот. 19.35 — Мусобақа туфайли туғилган. 20,05 — С. Беньяминов куйлайди. 20.45 — Москва. СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 21.00 — Ахборот. 21.20 — «Геростратни унутинг» (диплом спектакль). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Спектаклнинг давоми.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05—Болалар учун фильм. 19.25 — «Альбатроснинг сўнгги рейси» (бадиий фильм, 2-серия). 20,30 — Янгиликлар. 20.50 — Фильм-концерт. 21.20 — Математика.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ—«Изотоп» кафеси (катта зал), Меҳробдан чаён (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Гимнастика. 10.30 — Тилла боғичли туфли (бадиий фильм, 2-серия). 11.35 — Ҳужжатли фильм. 14.55 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.05 — «Крилов масаллари». 16,35 — Денгиз овчиси (бадиий фильм). 1 7.45 — Москвалик-лар беш йиллик маршида. 18.15 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ҳар доим бўлсин қуёш. 20.45 — СССР Конституциё лойиҳасини муҳокама қиламиз. 21,00 — Қалбга яқин қўшиқлар. 22.00 — «Вақт». 22,30 — Футбол. «Торпедо» (Москва) — «Қайрат» (Олмаота). 00.15 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Фильм-эртак. 12.00 — Олтин эшелон (бадиий фильм). 18.30 — Мультфильм. 18.55 — Қувноқ пионер ёзи. 19.20 — Ахборот. 19.35 — Мусобақа туфайли туғилган. 20,05 — С. Беньяминов куйлайди. 20.45 — Москва. СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 21.00 — Ахборот. 21.20 — «Геростратни унутинг» (диплом спектакль). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Спектаклнинг давоми.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05—Болалар учун фильм. 19.25 — «Альбатроснинг сўнгги рейси» (бадиий фильм, 2-серия). 20,30 — Янгиликлар. 20.50 — Фильм-концерт. 21.20 — Математика.

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ—«Изотоп» кафеси (катта зал), Меҳробдан чаён (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Атиги бир тун — «НУКУС» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Сўнгги гулханлар тафтн — «ДРУЖБА» (11, 14, 10, 17, 20.00), «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Атиги бир тун — «ФЕСТИВАЛЬ» (21, 22.30).

Кенгуру — «ХИВА» (21, 22.30.)

Тошкент Тўқимачилик комбинати қошидаги
85-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
тўқимачилар ва йигирувчилар тайёрлайдиган группаларга

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-синф маълумотига эга бўлган қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Мутахассислик билан бирга ўрта маълумот берадиган группаларда ўқиш муддати 3 йил.

УҚУВЧИЛАР КУНИГА УЧ МАҲАЛ БЕПУЛ ОВҚАТ, КИЙИМ-БОШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ДАВРИДА ИШ ҲАҚИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Бошқа шаҳардан келганлар етоқхона билан таъминланадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-СИНФ ҲАЖМИ МАЪЛУМОТИ БИЛАН КИРГАНЛАР КОМБИНАТ ҚОШИДАГИ ИШЧИ-ЁШЛАР МАКТАБИНИНГ 9-СИНФИГА КИРИБ ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, соғлиғи тўғрисидаги справка (справка формасини билим юрти беради), турар жойидан справка, 3х4 см. катталикдаги 4 та фотосурат, мактабдан характеристика.

Билим юртининг адреси: 700092, Тошкент шаҳри.92, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй.



БАЛИҚ ОВИДА.

Т. Маҳкамов фотоэтюди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар — 338142.

Р. 01556. Узбекистон Ковмпартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Г. 1665.